



O'ZBEKISTON



O'VOZI

IJTIMOY-
SIYOSIY
GAZETA

■ 2004-YIL ■ 13-MART ■ SHANBA ■ 29 (27.204) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

ХАЛҚИМИЗ БУНЁДКОРЛИГИНИНГ ЯНА БИР ТИМСОЛИ

Ўзбекистонни улкан қури-
лиш майдонига менгаш
мумкин. Бугун барча вилоят,
шаҳар ва туманларда
катта ўзгаришлар бўляпти,
бунёдкорлик ишлари амал-
га оширилмоқда. Бу янги-
линишлар нафақат кетма-
кет қад ростлаётган бино-
ларда, барпо этилаётган
кўча ва хибонларда, балки
инсонлар онгу шуурида
ҳам акс этмоқда.

12 март куни яна бир ул-
кан иншоот — Ҳазорасп ту-
мани ҳудудида Амударё
узра бунёд этилган кўприк
фойдаланишга топширилди.

Ушбу йирик иншоотнинг
очирилишига бағишланган ма-
росимни Ҳазорасп вилояти
ҳокими И.Бобоносов очди.

Тантанали маросимда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислам Каримов
нутқ сўзлади.


Давлатимиз раҳбари мам-
лакатимиз, жумладан, воҳа
тарақиётида ушбу кўприкнинг
аҳамияти беқисс эканини қайд
этиди.

Ҳазорасп вилояти кейинги
йилларда улкан марраларни
қўлга киритмоқда. Вилоятда
ички ва ташқи бозорни хари-
дорғир маҳсулотлар билан
таъминлашга алоҳида эътибор
қаратилган. 27 қўшма корхона
мавжуд.

Воҳада коммуникация тар-
моғини ривожлантиришга ҳам
алоҳида эътибор берилмоқ-
да. Бугун ишга тушётган янги
кўприк бутун юртимиз каби
Ҳазорасп ва Қорақалпоғистон
ни ҳам ижтимоий-иқтисодий
ривожлантиришда, одамлар
узогини яқин қилишда катта
имкониятлар эшигини очди.

Давлатимиз раҳбари ушбу
кўприк мамлакатимиз автомо-
били ва темир йўл тизимла-
рини замон талаблари дара-
жасида ривожлантиришда,
чет элга маҳсулот экспорт
қилишда катта аҳамият касб
этажанини алоҳида таъкидла-
ди.

Республика «Боштран-
слоийха» институти лойиҳаси
асосида бунёд этилган 681
метрлик ушбу замонавий
кўприк мамлакатимиз комму-
никация тизимини тубдан
ўзгартиради. У бир кеча-кун-



дудда ҳар икки томонга 14
поезд, соатиға мингдан зиёд
автомобилни ўтказиш имко-
нига эга.

Юртбошимиз ушбу улкан
иншоотни бунёд этишда жон-
болик кўрсатган қурувчи ва
муҳандисларга, барча-барча-
га миннатдорлик билдирди.

Тадбирда сўзга чиққан
«Туямўйинсуқурилиш» трес-
ти 1-қўшма механизациялаш-
ган колонна участка бошлиғи
К.Турдиев, «Ўзбекистон те-
мир йўллари» давлат акция-
дорлик компанияси Кўнғир-
от регионал темир йўл
узети бошлиғи К.Нуруллаев,
«Кўприққурилиш» трестига
қарашли 13-кўприк қурилиш
отряди муҳандиси Г.Ғарепо-
ва, меҳнат фахрийси
С.Шарипов ва бошқалар Амударё
узра барпо этилган ушбу
кўприкнинг қурилишига, умуман,
мамлакатимизда амалга
оширилаётган улкан бунёд-
корлик ишларига раҳнамолик
қилаётган Президентимизга
ташақкур изҳор этдилар.

**В.ЛУҚМОНОВ,
Т.ШАМАКОВ,
ЎЗА МАХСУС
МУХБИРЛАРИ**
◆◆◆
Суратда: Амударё кўприги
қурилиши.
Дилшод ЮСУПОВ (ЎЗА)
олган сурат

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ҲАЗОРАСП ТУМАНИДА БАРПО ЭТИЛГАН ЯНГИ КЎПРИКНИНГ ИШГА ТУШИРИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз юртдошлар!

Қадри дўстлар!

Бугун биз қадимий Хоразм заминида Вата-
нимиз ҳаётидаги унутилмас ва қувончли бир
воқеа — азим ва қудратли Амударё узра бунёд
этилган замонавий иншоот — янги, муҳташам
кўприкнинг ишга туширилишига бағишланган
тантанали маросимда иштирок этмоқдамиз.
Янги йўллари очилди, янги кўприклар қуриш,
уларнинг инсон ва халқлар ҳаётидаги аҳамия-
ти ва моҳияти ҳақида кўп гапириш мумкин.

Халқимизнинг «Кўприк қурган кам бўлмас,
равон йўлда кам бўлмас» деган доно мақоли
заминида жуда катта маъно муҳасам.

Барча-барча халқлар кўприк деганда, одам-
ларнинг узогини яқин, мушкулни осон қила-
диган, дилларни дилларга, элларни элларга
боғлайдиган ҳаёт белгисини тасаввур қилади.

Бунинг ёрқин тасдиғини бутун оламга
машҳур бўлган Буюк ипақ йўлининг ривож-
ланишига катта ҳисса қўшган, Шарқ билан
Ғарб ўртасида бамисоли кўприк бўлиб хиз-
мат қилган бизнинг диёримиз мисолида
яққол кўриш мумкин.

Қадим-қадимдан бизнинг юртимиз-ўлкамиз
учун, унинг тарақиёти ва фаровон ҳаёти
учун коммуникациялар, шу жумладан, йўллар-
нинг очилиши ва қурилиши алоҳида аҳамият
касб этган.

Агарки, бугунги кунда мамлакатимизнинг
жугрофий жойлашуви, маъмурий чегарала-
рини инобатга олсак, бизнинг халқро комму-
никациялардан, денгиз йўллари билан олис
бўлиб яшаётганимизни назарда тутсак, бундай
хулосани чиқариш қийин эмас, деб
уйлайман.

Бир фараз қилинг — дунё бозорига
ҳатто энг яқин денгиз порти орқали чи-
қиш учун ҳам бизнинг камида икки-учта
давлат ҳудудини кесиб ўтишимизга, қан-
чадан-қанча ортиқча харажат қилишга,
қанча ташвиш чеккишга, баъзан сунъий
тўсиқларни ҳам энгиб ўтишга тўғри кел-
моқда.

Шу боис, мустақиллигимизнинг биринчи
қунариданок жаҳонга, дунё бозорига янги
йўллари очилди биз учун сув билан ҳаводай
зарур ҳаётий эҳтиёжга айланди.

Утган қисқа давр мобайнида бу борада
амалга оширган ишларимиз ҳақида гапир-
тириш ва кўкаламзорлашти-
риш ишлари авжга чиқади. Хусусан, кўна
Бухорода янги кўчалар, хибонлар, дам олиш
масканлари бунёд этилаётган
бу камарбастиқдан да-
волатдир. Шаҳар марказини

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКISTON ХАЛҚ ШОИРИ МУҲАММАД ЮСУФ ТАВАЛЛУДИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бетакрор ижоди ва ижтимоий фаолияти билан ёш ав-
лодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш,
юртдошларимиз қалбида она Ўзбекистон билан фахрла-
ниш ва фидойилик туйғуларини уйғотиш, миллий истик-
лол гоёсини халқимиз онги ва тафаккурига сингдириш
борасидаги катта хизматларини, адабиётимиз ва санъа-
тимиз ривожига қўшган муносиб ҳиссасини инобатга олиб,
Вазирилар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон халқ шоири,
марҳум Муҳаммад Юсуф та-
валлудининг 50 йиллигини
нишонлаш тўғрисида Ўзбекис-
тон Ёзувчилар уюшмаси, Ма-
даният ишлари вазирилиги,
«Камолот» ижтимоий харакати,
«Ўзбекнаво» эстрада бир-

лашмаси ва кенг жамоатчи-
лик вакилларининг таклифи
маъқуллансин.

2. Муҳаммад Юсуф тавал-
лудининг 50 йиллигини ни-
шонлаш бўйича ташкилий
қўмига таркиби тасдиқлансин.
3. Ташкилий қўмига бир

ой муддатда мазкур сана му-
носабати билан ўтказиладиган
тадбирлар режасини ишлаб
чиқиш ва амалга ошириш ва-
зифаси топширилсин. Тад-
бирлар режасида қўйиладиган
қўзда тутилсин:

шу йил май ойида Тошкент
шаҳрида Муҳаммад Юсуф та-
валлудининг 50 йиллигига ба-
ғишланган хотира кечасини
ўтказиш;
шоирнинг бир жилдик
асарлари сайланмасини нашр
этиш;

(Давоми 2-бетда.)

Бугун ва эртага — умумхалқ ҳашари



ҚАЛБ ДАЪВАТИ БИЛАН

Халқимизнинг бетакрор удумлари кўп. Оила-
лардаги яхши қўнларда кўни-қўшни, маҳалла-
қўй бир тану, бир жон бўлиб ёрдамга, ҳашарга
солиш, ариқ-зовурларни тозалаш ва бошқа обо-
дончилик ишлари оммавий тадбирга, айтиш
мумкинки, байрамга айланиб кетади. Муҳими,
қўмакка бел боғлаган кишилар ҳеч қандай мод-
дий ва маънавий манфаатдорлик кутмайди, балки
бир-бирларини беминнат, беғараз қўллаб-
қувватлайди.

Халқимизнинг боқий қадриятларидан бирига
айланган ҳашар Президентимиз томонидан
Меҳр ва муруват йили деб аталган ушбу йил-
да янада кўзгин тус олади. 13-14 март умум-
халқ ҳашари кўни деб белгилангани шу қўнлар-
ни ўзига хос байрамга айлантириб юбориши
шубҳасиз. Узи яшаб турган ҳовлини, маҳалла-
гузарни саражном-саришта сақлаш, турар жойи
атрофида турли мева-ли-ю манзарали кўчатлар
экиб, ҳовлисини гулзорга айлантириш азалий
одатларимиздан. Бу юмушлар халқимиз учун
мавсумий эмас, қўндалик ишга айланиб кетган.

Шўро замонларида расмийлик ҳисобот-
ларда қайд этиш учун «шанбалик»лар ўткази-
ларди. Бизнинг ҳашарларимиз моҳиятида қалб
даъвати, савобдан умидворлик ҳисси ётади.
Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, савоб

ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар
қўни қилиш керак.

Умумхалқ ҳашарига юртдошларимиз кампа-
нибозлик, шунчаки расмийлик учун эмас,
балки қалб даъвати билан бел боғлаганлар.
Шу қўнлар барча ташкилот, муассаса, идора ва
корхоналарда тева-рак-атрофи тозалаш иш-
лари авж олади. Дарахтларга шакл берилиб,
оқланади, бўш майдон ва ўтиш йўлақлари ат-
рофида турли кўчат ва гуллар экилади.

Умумхалқ ҳашари тўғрисида тушган маблағ ҳар
қайси ҳудуднинг ўзида, ўша жойларнинг
инфратузилмасини ривожлантиришга, аҳоли-
нинг ёрдамга муҳтож қатламларига қўмак бе-
ришга, маҳаллаларни, қишлоқларни обод
қилишга сарфланади.

Вазирилар Маҳкамасида бўлиб ўтган умумхалқ
ҳашарини ўтказиш бўйича Ишчи гуруҳи йиғили-
шида мазкур маблағларнинг мақсадли ва са-
марали ишлатилиши, бюджетдан молиялашти-
рилиши режалаштирилган харажатларга йўнал-
тирилишига йўл қўйилмаслики каби масалаларга
эътибор қаратилди. Вилоятлар, туманлар, ша-
ҳарлар ҳокимликлари, вазирилик ва идоралар,
жамоат ташкилотлари раҳбарлари масаланинг
мана шу томонларига алоҳида эътибор бериши
лозимлиги таъкидланди.

(ЎЗА)

ОЗОДАЛИК ВА КЎРКАМЛИК ТАДБИРЛАРИ

Умумхалқ ҳашарида Самар-
қандда катта ҳажмдаги ободон-
лаштириш ишлари амалга
оширилиши режалаштирилган.
Ҳашар халқимизнинг азалий
анъаналаридан бири ҳисобла-
нади. Шу боис, улуг айём —
Наврўз шодиданларидан олдин
ўтказилаётган ушбу тадбир
ҳар бир юртдошимиздан фа-
лоқлик ва жонқурликни талаб
этади.

— Доимий анъанага айлан-
ган умумхалқ ҳашарида тева-
рак-атрофимиз озодалигига
катта эътибор қаратамиз, —

дейди «Маҳалла» жамғарма-
си вилоят бўлими раиси Т.
Ҳожиқурбонова. — Кўтаринки
руҳда ўтаётган тадбирда Са-
марқанд, Каттақўрғон, Ургут,
Оқтош ва Жума каби шаҳар-
лар сув тармоқлари чиқинди-
лардан тўла тозаланади. Шу-
нингдек, ҳар бир маҳалла
марказларидаги болалар
спорт иншоотларини ободон-
лаштириш, қабристонларни
тартибга келтириш каби хай-
ри ишларда жойлардаги ма-
ҳалла оқсоқоллари бош-қош.

Вилоят ўрмон ҳўжалиги бош-

қармаси томонидан етишти-
риб берилган мевали ва ман-
зарали дарахт кўчатлари ўт-
казилади. Ҳашар қўнлари ас-
рлар билан ҳамнафас обода-
лар атрофини ободонлашти-
ришга алоҳида эътибор бе-
рилади. Бугун Ғўри Амир, Ре-
гистон, Бибиҳоним масжид
мажмуалари атрофини ободон-
лаштиришда Самарқанд
давлат университети, тибби-
ёт, кооператив ҳамда қишлоқ
ҳўжалиги институтлари тала-
балари иштирок этишади.

Шўҳрат ҚАРШИЕВ

ҲАШАР — ҲАМЖИҲАТЛИКДИР

Бугун Бухоронинг шаҳар, ту-
ман ва чекка қишлоқларида
ҳам Наврўзиди ободонлаш-
тириш ва кўкаламзорлашти-
риш ишлари авжга чиқади.
Хусусан, кўна Бухорода янги
кўчалар, хибонлар, дам олиш
масканлари бунёд этилаётган
бу камарбастиқдан да-
волатдир. Шаҳар марказини

Газлишўқ кўчаси билан бо-
ловчи 4 километрни янги йўл
барпо этилиши шу атрофдаги
Хотира хибонини, спорт маж-
муасини ҳамда Улугбек боғи-
нинг янгидан чирой очилиши
таъминлашга хизмат қилади.
Бу ишларни бажаришда бар-
ча корхона, ташкилот, жам-
ғармалар, шаҳарга яқин ту-

манлар аҳолиси ҳамжиҳат иш
олиб бормоқдалар.

Айланаси 4 километрни
ташқил этадиган боғда бобо-
миз Мирзо Улугбекнинг ма-
ҳобатли хайкали қад ростла-
ди. Бу ерда дам олувчилар
учун кафетерийлар, савдо
расталари барпо этилади. Шу
билан бирига от спортини ри-

вожлантиришга хизмат қилу-
ви ипподром ҳам қурилмоқ-
да. Чўмилиш ҳавзаси эса туб-
дан янгиланаётди. Хуллас,
ҳашар йўли билан барпо эти-
лаётган янги хордиқ маскани
ҳадемай вилоятнинг энг сўли
гўшаларидан бирига айлана-
ди.

Даврон БАҲРОНОВ

ЭЛГА ЯРАШЛИКЛИК, ХАЛҚИМИЗГА ХОС

Навқирон Навоий вилоятида нафа-
қат 13-14 март кўнлари, балки бутун
март ойи яратувчилик, хайрия ҳашар
ойлиги, деб эълон қилинди. Вилоят
ҳокимлигининг ойлики намунали ўтка-
зиш борасидаги амалий тадбирлари-
га кўра, ой охирига қадар 700 минг
гектар майдон ободонлаштирилиши,
270 минг метр ҳажмдаги ариқ-зовур-
лар тозаланиши режалаштирилди. Ша-
ҳар ва туманлар марказлари ҳамда ма-

ҳалларда тўпланиб қолган чиқинди-
лар чиқариб ташланиб, очик турдаги
спорт майдончалари, ўйингоҳлар тар-
тибга келтирилади. Гул кўчатлари, ме-
вали ва манзарали дарахтлар кўчат-
лари ўтказилади.

Айниқса, 13-14 март кўнлари хай-
рия ҳашари вилоятда умумхалқ тад-
бирига айланиб кетади. Унда 570 минг
дан ортиқ ёшу кексалар фаол ишти-
рок этадилар. Вилоят маркази — На-

воий шаҳри, олтинтопарлар диёри —
Учкудук, Зарафшон шаҳарларининг
марказий хибонлари, маҳаллалар,
кўча ва гузарларда бамисоли ҳаёт
қайнайдди. Ҳатто олис Томди, Нуро-
та, Қонимех туманлари чорвадорла-
ри, Навбахор, Қизилтепа, Хатирчи ту-
манлари пахтакорлари, боғбону соҳиб-
корлари ҳам бу эзгулик юмушларидан
четда қолишмайди.

Музаффар ШАРПОВ

Бугун пойтахтимиздаги
«Ўзбекистон» спорт маж-
муида юнон-рум кураши
бўйича олимпиада сара-
лаш ўйинлари туркуми-
даги «Мустақиллик кубо-
ғи» халқро турнири
бошланади.

Авал хабар қилганимиздек,
11 март куни «Dedeman Silk
Road Tashkent» меҳмонхонаси-
да FILAнинг навбатдаги кон-
гресси бўлиб ўтди. Унда Афина-
да ўтадиган XXVIII ёзги олимпи-
адада юнон-рум курашчилари-
нинг иштироки, FILAнинг бу-
гунги ишлари ҳамда келгуси ре-
жалари хусусида гап борди.
Конгрессда FILA президенти Ра-
фаэль Мартинетти ҳамда фахр-
ий президенти Милан Эрцеган-
лар иштирок этди.

— Конгрессда юнон-рум ку-
рашини ривожлантириш бораси-
да Ўзбекистонда олиб борила-
ётган ишлар ижобий баҳолан-
ди, — дейди FILAнинг вице-пре-
зиденти Ахрол Рўзиев. — Эъти-

Спорт

АФИНАГА ЙЎЛ ТОШКЕНТДАН БОШЛАНАДИ



роф этиш керакки, олимпиада
ўйинларига саралаш мусобақа-
лари ҳеч бир мамлакатда икки

мартаба ўтказилмаган. Ёдин-
гизда бўлса, 2000 йилда ҳам
айнан шундай саралаш турнири

Сидней олимпиадаси олдиндан
пойтахтимизда ўтказилган-
ди. Бу ўз навбатида спортчилари-
мизнинг имкониятларини оши-
ради. Чунки ҳар бир полвон ўз
юртида муҳлислари олқишлари
остиде гиламга чиқса, катта ру-
хий устунликка эришади. Ишо-
наманки, мазкур мусобақада
спортчиларимиз гўлиблар сафи-
дан жой олади.

Турнирга Германия, АҚШ,
Япония, Италия, Хитой, Россия
сингари дунёнинг олтинмишга
яқин давлатидан курашчилар
ташриф буюрган. Мусобақа ни-
зомига кўра, турнирнинг барча
ярим финалчилари Афина олим-
пиадасига йўллама оладилар.
Беллашувлар етти (55, 60, 66,
74, 84, 96, 120 кг.) вазн тоифа-
сида ўтказилади. Эслатиб ўта-
миз, бахсларда курашчилари-
миздан Камол Холматов (55 кг.),
Баходир Курбонов (66 кг.) ҳамда
Дмитрий Круглит (84 кг.)лар Ва-
танимиз шарафини ҳимоя қила-
дилар.

Эркин ХОЛБОВО

ХАЛҚ БАНКИ —
СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI

«QUVA MEBEL»
XONADONINGIZ FAYZI

TOSHKENT SHAHAR
MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!

Биз билган ва билмаган тарих

Тошкент ўзбек давлатчилиги тарихида алоҳида аҳамиятга эга бўлган азим шаҳарлардан биридир.

Уни бир зумда Шошнинг маълум ва машур кишиларидан бири Азимбойнинг чорбоғига келтирилди.

Бобомиз Амир Темурнинг бу шаҳарга самимий меҳр-муҳаббатда бўлганлиги тарихдан яхши маълум.

АМИР ТЕМУРГА ҚАЙТГАН ХАЗИНА



АМИР ТЕМУРГА ҚАЙТГАН ХАЗИНА

Агар аниқ мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, Амир Темур 1363-64 йилнинг қиш ойи Тошкентда ўтказганига гувоҳ бўламиз.

Бир ой деганда Амир Темур тамом соғайди ва сўнгра Оҳангаронга жўнаб кетди.

бобо, Қафқол аш-Шоший мақбараларини, Эски жува бозори ёнидаги авлиё Шоҳ Азиз масжиди ва бошқаларни бунёд этишга киришди.

ри», «Одоб ал баҳс» («Одоб баҳси»), «Хусни жадал» («Диалектика гўзаллиги») асарлари бизгача етиб келган.

лакатни ҳада этибсиз», деб таъна қилишди.

РОССИЯ: ЭРТАГА ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ

Шарҳ

Дарҳақиқат, 14 март — яқшанба кун Россия тарихида тўртинчи марта Президент сайлови бўлиб ўтади.

томат-қутилар 500 та бўлиб, яқинда улардан 299 таси Москва шаҳридаги, 250 таси эса Санкт-Петербургда сайлов участкаларида ўрнатилди.

Эртага фаолият бошлайдиган бу марказ замонавий технология асосида шундай жиҳозланганки, ҳар бир журналист Россиянинг истаган нуқтасидаги сайлов участкаси билан бир зумда убақтаниши мумкин.

У Самарқандга бориб, қишлоқ ҳақида гап очганда, Темурбек розилик бермади. Шу билан бирга сафдошининг сўз замирида найрағ борлигини ҳам сезади.

қолган қисмини Оби Турк соҳиладан ўтказди.

Орадан 34 йил ўтиб Амир Темур худди шу ерда Хитой элчиларини расман қабул қилди.

лар, ё ерларини қайтариб олмади, керак бўлса Мақжағача босиб борамади», деб дағдағ қилади.

Амир Темурнинг бошқа шаҳар, қишлоқлар қаторида Тошкентда олиб борган ободончилик, маънавий-маърифий ишлари, шунингдек, халқнинг кўнглини кўтариши ва бундай ишларни энг муҳим вазифалар дея алоқларга васыят қилиш ҳар бир инсон учун ибратли сабаб бўла олади.

Агар эътибор берган бўлсангиз, бу йилги сайлов кампаниясида аввалгига нисбатан телевидение хизматидан автомат қутилар сони ҳозир 1100 тага етган.

Умуман, Россия ҳудудидаги сайлов участкаларида автомат қутилар сони ҳозир 1100 тага етган.

Шу кунгача МСК биносидagi ўшбу марказда дунё оммавий ахборот воситаларининг 1300 кишилик вакили аккредитациядан ўтган.

1364 йил, қишнинг иккинчи ойи эди. Сохиқбиронга Мош таби ҳақида хабар берди.

Амир Темурнинг қатор давлат ишларини амалга ошириш билан бирга ўзининг соғлиги ҳақида қайғурганлиги ҳам бор ҳақиқатдир.

Мош таби ҳақида хабар берди. Котмадан келган, олтиш ёшлардаги хушқақча қария эди.

Уз замонида Амир Темур Тошкентни улуғлаган эди, бунун бу кўна шаҳар ҳам уни улуғламоқда.

Уз замонида Амир Темур Тошкентни улуғлаган эди, бунун бу кўна шаҳар ҳам уни улуғламоқда.

Бу йилги сайловнинг алоҳида жиҳати шундаки, Россия тарихида биринчи марта сайлов участкаларида автомат-роботлар хизматидан фойдаланилади.

Агар эътибор берган бўлсангиз, бу йилги сайлов кампаниясида аввалгига нисбатан телевидение хизматидан автомат қутилар сони ҳозир 1100 тага етган.

Хисоб-китобларга қараганда, сайловда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган бир ярим миллионга яқин Россия фуқароси бугунги кунда хорижда истиқомат қилмоқда.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ҳурматли маҳаллий ва хорижлик ишбилармон, тадбиркор жаноблар!

Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иктисодий ночор давлат корхоналари ва паст ликвидли объектларни инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарт билан инвесторларга танлов асосида бепул бериш бўйича Тошкент шаҳар ҳудудий танлов комиссияси 2004 йилнинг 16 ва 30 март, 13 ва 27 апрель, 11 ва 25 май кунлари танлов савдоларини ўтказди.

Танлов савдосига қўйидаги объект қўйилган: «Ўзсутгўштмаксавтотранс» жамоа корхоналари автотранспорт концернининг Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Чоштепа кўчаси, 381-уй манзилида жойлашган «Тошкент 3-автокорхонаси».

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

- 1. Талабдорнинг тўлов қобилиятига эгалигини тасдиқловчи банк маълумотномаси (ёки банкнинг қафолат хати).
- 2. Тақдим этилган молиявий ҳисоботи бўйича аудиторлик фирмасининг хулосаси.
- 3. Олинаётган сармома мажбурияти ҳажми ва унинг киритилиш муддатлари.
- 4. Бизнес режа.

Танлов савдосида қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари бўйича батафсил маълумот олиш юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

«Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази» Сизларни биржа савдоларига таклиф этади.

БИРЖА САВДОЛАРГА ҚЎЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР ҚЎЙИЛГАН:

- Муниципал мулк объектлар: Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти балансида бўлган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, «Ҳ.Олимжон» майдони, «Пойтахт бизнес мажмуаси»нинг ғарбий томонида жойлашган қуйидаги бино қисмлари:
- 1-қаватидаги, майдони 56 кв.метр бўлган К'-блоки. Бошланғич нархи - 20 445 600 сўм;
- 1-қаватидаги, майдони 27 кв.метр бўлган И'-блоки. Бошланғич нархи - 9 857 700 сўм;
- 1-қаватидаги, майдони 16 кв.метр бўлган Ц-блоки. Бошланғич нархи - 5 841 600 сўм;
- 2-қаватидаги, майдони 204 кв.метр бўлган 1-блоки. Бошланғич нархи - 74 554 661 сўм;
- 2-қаватидаги, майдони 203 кв.метр бўлган 3-блоки. Бошланғич нархи - 74 189 196 сўм;
- 2-қаватидаги, майдони 192 кв.метр бўлган 4-блоки. Бошланғич нархи - 70 169 093 сўм;
- 2-қаватидаги, майдони 103 кв.метр бўлган 5-блоки.
- Бошланғич нархи - 37 642 795 сўм;
- 2-қаватидаги, майдони 107 кв.метр бўлган 6-блоки. Бошланғич нархи - 39 104 644 сўм;
- Бошқа муниципал мулк объектлар:
- Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, «Хумоюн» даҳаси, 3а-уйда жойлашган, майдони 481 кв.метр бўлган бино қисми. Бошланғич нархи - 9 791 800 сўм;
- Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон кўчаси, 11-уйда жойлашган майдони 1 642 кв.метр бўлган «Нур» мажмуаси. Бошланғич нархи - 750 000 000 сўм;
- Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 16-уйда жойлашган, майдони 17 кв.метр бўлган бино қисми. Бошланғич нархи - 2 675 141 сўм;
- Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 4-мавзе, 12-уйда жойлашган, майдони 84 кв.метр бўлган бино қисми. Бошланғич нархи - 2 939 110 сўм;
- Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Олмазор кўчаси, 6-уйда жойлашган, майдони 60,7 кв.метр бўлган бино қисми. Бошланғич нархи - 2 540 396 сўм;
- Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Кирки тор кўчаси, 34-уй жойлашган, майдони 1473 кв.метр бўлган бино. Бошланғич нархи - 48 648 225 сўм;
- Бошқа объектлар:
- Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Фаргона йўли 3-тор кўчаси, 163-уйда жойлашган, «SAVDO NASHRIYOTI» унитар корхонаси (бино ва иншоотлари билан). Бошланғич нархи - 199 228 054 сўм;
- Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, Жанубий саннат худуди КПД-5 ёнида жойлашган, «Промстройиндустрия» ОАЖнинг қурилиши тугалланмаган монолит уй қурилиш базаси. Бошланғич нархи - 59 921 772 сўм;
- Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, И.Франко кўчаси, 38а-уйда жойлашган «O'z davlat ta'lim loyiha qurilishi» МЧЖнинг 90 фонзлик давлат улуши. Бошланғич нархи - 1 514 250 сўм;
- «Руслан Шамшад» хусусий корхонаси балансида бўлган қуйидаги станоклар:
- Станок СМЖ-357. Бошланғич нархи - 1 400 221 сўм;
- Станок токарно-револьверный ИГ 340 П. Бошланғич нархи - 5 338 396 сўм.
Шунингдек савдоларда «Автомакс» ПХЖ (авто эҳтиёт қисмлар бозори) худудидagi дўконлар, «Паркент иктисолашган бозори» ОАЖ худудидagi тургун савдо дўконлари қуриш ҳуқуқлари сотилмоқда.
Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунини соат 11:00 дан 12:00 гача ҳамда 16:00 дан 17:00 гача «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.



МАДРИДДА ТЕРРОРЧИЛИК ҲАРАКАТИ

Испания пойтахти Мадридда террорчилар томонидан бешта портлаш содир этилди. Натихада 192 киши ҳаётдан кўз юмди, 1400 дан ортиқ киши эса турли даражада тан жароҳати олди.

Испаниянинг EFE ахборот агентлиги берган хабарларга қараганда, иккита портлаш пайшанба кун эрталаб Мадрид марказидаги Аточа, Санта Эухени ва Позодел-Тю-Раймундо темир йўл шохбекларидagi поездларда юз берди.

Мадрид мэрияси биноси олдида қўйиб келилган портловчи мослама эса мутахассислар томонидан зарарсизлангилди.

Ҳозир суриштирув-тергов ишлари олиб борилмоқда. Прадорлар шифохоналарга ётқизилган. Марҳумларнинг эса шахси аниқланмоқда.

Испания маъмурияти яқшанба кун бўлаган парламент сайловларига тўсқинлик қилиш учун мажбур террорчилик актиларини Баск сепаратчилар гуруҳи — ЭТА аъзолари ташкиллаштирган бўлиши мумкин, дея ҳисобламоқда. Негаки, ЭТА гуруҳи кейинги пайтларда бир неча марта террор содир этишга уринган.

Жумладан, февраль ойида юк машинасида 500 килограммлик портловчи модда билан Испания пойтахтига кетаётган икки террорчи қамал олинган. Авалкор эса Мадриддаги Чамартин темир йўл шохбекатида ҳам фожианинг олди олинган.

Шу ўринда ЭТА гуруҳи ҳақида қисқача тўхталасак. ЭТА — (Euskadi Ta Askatasuna — озод басклар мамлакати) социалистлар радикал-террорчилар ташкилоти бўлиб, Испаниянинг шимолий-шарқидagi ва Франциянинг жануби-ғарбидagi бир неча вилоятни бирлаштирган мухтор худудда мустақил Баск давлатини тузишга даъво қилиб келмоқда. У Испаниядаги энг йирик террорчи ташкилотдир.

Лекин шунинг билан бир қаторда кунги портлашларни ташкилот буйига олмади. Аммо террор ташкилотчилари ва бошқа айбдорлар аниқланиб, албатта қўлга олинганини Испания ички ишлар вазири Анхел Асебес журналистларга маълум қилди.

Яна бир гап. Reuters хабар беришича, мамлакатдаги ҳуқуқ ҳалқ партияси эртага бўладиган парламент сайловларини тўхташ ҳақида қарор қабул қилди.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй. Телефон: 132-25-51, факс: 133-20-74; Сайт: www.ishmbm.uz; Э.а. почта: info@ishmbm.uz ва Birja@mail.tps.uz

АНТАРКТИДАДА «ЎЗБЕКИСТОН» ЧЎҚҚИСИ

Ўзбекистонлик экспедиция аъзолари Антарктидада саёҳат қилдилар. Улар Антарктиданнинг энг баланд нуқтаси хисобланмиш Винстон чўққисини забт этди. 4000 метрлик яна бир чўққи эса шу вақтга қадар ҳеч қандай ном билан аталмас эди. Унга илк бор ҳамюртларимиз қадам қўйганлиги боис эндиликда бу чўққи «Ўзбекистон» деб аталади.

Шунингдек, экспедиция давомида фан учун жуда муҳим бўлган метеоридларни қидириш ҳам кўзда тутилган.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА ЙЎЛЛАНМА

Ортимизда спортнинг барча турларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, ҳамюртларимиз жаҳон майдонларида тобора юксак натижаларга эришмоқда.

Халқаро тоифадаги гроссмейстер Алишер Ортиқов шашка бўйича Ўзбекистон чемпионатида 18 имкониятдан 14 очко жамғариб мутлақ голибликка эришди ҳамда жорий йил октябрь ойида Бразилияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида йўлланма олди. Унинг уқаси Файрат Ортиқов эса усмирлар ўртасида Ўзбекистон чемпиони.

Анвар САМАДОВ тайёрлади

Спорт

ГОЛИБЛАРГА ИМТИЁЗЛАР

Куни кеча МХСК спорт мажмуида кураш бўйича 1985-86 йилларда туғилган ўсмир ва қизлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон биринчилигининг голиблари ҳам ана шундай бахтга мушарраф бўлдилар. Мусобақада барча вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳридан уч юз нафардан ортиқ полвон голиблик учун гиламга чиқди.



— Кураш бўйича болалар ва усмирлар ўртасида кўплаб мусобақалар уюштирилаётганлиги қувонардир, — дейди биринчилик бош ҳаками Шокир Тўраев. — Бу нафақат оммавийликни оширади, балки янги-янги истеъодларни ҳам кашф этади. Мусобақа низомига кўра, Ўзбекистон биринчилиги голибларининг Жисмоний тарбия институтига танлов

ва давлат тест синовларисиз ўқишга қабул қилиниши бахсларнинг юксак савияда ўтишини таъминлади. Икки кун давомида қизлар ва ўғил болалар саккиз вазн тоифасида беллашдилар. Куйидаги иктидорли спортчилар олтин медалларга сазовор бўлдилар: Гулзира Каримова (44 кг. Андижон), Румия Шайхутдинова (48 кг. Фарғона), Ўғилжон Рўзметова (52 кг.), Малоҳат Аллаберганова (57 кг. Иккеласи ҳам Хоразмдан), Эленора Соатова (63 кг. Сирдарё), Гулмира Исмаилова (70 кг. Самарқанд), Нодира Алибекова (78 кг. Хоразм), Мария Шекерова (+78 кг. Тошкент), Арслон Махмудов (50 кг. Сурхондарё), Жонибек Муқимов (55 кг. Бухоро), Уктам Раҳмонов (60 кг. Самарқанд), Ҳикмат Куртов (66 кг. Тошкент), Низомидин Ҳожабоев (73 кг. Қорақалпо-

ғистон), Элмурод Шерназаров (81 кг. Тошкент), Уктам Чориев (90 кг. Бухоро), Одил Тулендибоев (+90 кг. Тошкент вил.). Энди улар янги ўқув йилидан бошлаб ЎзДЖТИ ва республикамиз олий ўқув юрлари жисмоний маданият факультетларида имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинадилар.

Эркин РАҲАБОВ Абдувоси ҲАЙДАРОВ олган сурат

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 125-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган борма рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта сериясининг 1, 2, 3, 4 ва 5 турларда тўри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб маъмур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади

Table with columns for lottery numbers (1-24 Tur) and their corresponding values. Includes a summary table at the bottom showing total numbers and sums.

«Лаҳзали Яхши Ният» телеуйинида иштирок этувчи шерлар рақами (халтада қолган): 5,38,54,68,80

«Яхши Ният» телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2004 йил 1 апрелдаги 126- тиражида ўйналадиган супер-ютуқлар:

- 1-турда биттадан Автомагнитолла
2-турда биттадан Видеомангитофон
3-турда биттадан рангли Телевизор
4-турда Биринчи маротаба СУПЕР ЮТУҚЛАР ва 26.000.000 сўмлик ЖЕК ПОТ ўйналади.
Агар чиптангиз 56 -юринида тўлса сиз 26.000.000 сўмлик микдордаги ЖЕК ПОТ эгаси бўласиз.
57,58 -юринида чиптангиз тўлса «NEXIA» ҳамда 3.000.000 сўм пул,
59,60 -юринида чиптангиз тўлса «MATIZ» ҳамда 1.000.000 сўм пул,
61-64 -юринида чиптангиз тўлса 3.000.000 сўм пул ютуғи эгаси бўласиз.
4- турнинг 64- юришидан сўнг 1.000.000 сўм пул ютуғи.
5-9 -турда биттадан рангли Телевизор

Ютуқлар ҳар чоршанба соат 14.00 дан кейин ютуқли чипта кўрсатилган захоти «ЯХШИ НИЯТ» телелотереяси чипталарини «Лаура» ХФ сизда берилади. Манзили: Тошкент шаҳри, Шевченко кўчаси, 8 уй. Мўлжал: «Украинка» дўкони. Тел: 8(3712) 56-25-54, 56-26-60. Пул ютуқлари Миробод тумани Халқ банки бўлимида ҳамда «Лаура» тарқатувчилардан олиш мумкин. ХФсида ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2003 йил 22 декабрдаги 16-сонли лицензияси.

ҲАҚ-ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ ?!

Саволларга ҳуқуқшунос, 2-даражали адлия маслаҳатчиси Эргаш САЙИТОВ жавоб беради. САВОЛ: Фуқаролик ҳуқуқлари шахнинг ўзи томонидан ҳимоя қилинишига йўл қўйиладими? Ж.Ташболтаев. Самарқанд вилояти. ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 13-моддасига мувофиқ, фуқаролик ҳуқуқларини шахнинг ўзи ҳимоя қилишига йўл қўйилади. Фуқаролик ҳуқуқларини шахнинг ўзи ҳимоя қилиш усуллари ҳуқуқни бузишга мутаносиб бўлиши ҳамда ҳуқуқ бузилишининг олдини олиш учун зарур ҳаракатлар доирасидан чиқиб кетмаслиги керак. САВОЛ: Агар шахнинг ҳуқуқи бузилса, ҳуқуқи бузилган шахс ўзига етказилган зарарнинг тўла равишда қопланишини талаб қила оладими? Ж.Норматов. Сирдарё вилояти. ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 14-моддасига асосан, агар қонун ёки шартномада зарарни камроқ миқдорда тўлаш назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс ўзига етказилган зарарнинг тўла қопланишини талаб қилиши мумкин. Зарар деганда, ҳуқуқи бузилган шахнинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган ҳаракатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек бу шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганда одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмаган қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилади. Агар ҳуқуқи бузган шахс бунинг натижасида даромад олган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс

Баҳор СОҒИНЧИ



Деразани очдим тонг кучоғида Юзимга урилади ҳаётбахш шамол. Бу баҳор нафаси англагин юрак Мени излаб қелди, алдоқчи шамол. Далаларни кездим, яшил майсалар Ифориин татарат бутун оламга. Хаёллр элади мени қайгадир Оппоқ гулларингни соғиндим баҳор. Тарновдан тушган томчининг акси, Қуёшнинг нурида олам барқарор. Гўзалдир ҳаётнинг фарахбахш они Мен учун танхосан, ўзгасан баҳор.

Рухим самоларда учмоқда гўё Баҳор чорлаялман ёшимга такрор. Турналар кўшигин шивирлялман Самовий карвонинг соғиндим баҳор. Сенга бўлган меҳрим дарёдек оқсин, Сен менинг кўнгалда манусан баҳор. Ўзларингга-юзим босиб айтаман Бизни соғинтирмай келсангчи баҳор. Севара ХУДОЙБЕРДИЕВА, Жиззах вилояти Арнасов туманидаги Алишер Навоий номи 6-ўрта мактабининг 10-синф ўқувчиси

Ён дафтардаги битиклар

- Бу ёру дунё қарама-қаршиликлар асосига қурилган, шу боисдан доимо ўзгаришда, тараққиётда бўлади.
• Кўнгил мулкидек битмас-туғалмас бойлик дунёда йўқдир.
• Бировлар устидан ҳасад қилгандан кўра, менга ҳам шундай бахт-саодат насиб этсин, деб яхши ният айла.
• Буюк одам пойгадқа ўтирса ҳам улуглигича қолаберилади.
• Ўтли, эҳтиросли муҳаббат, ёшинг ўтга, бора-бора меҳр-шафқатга айланади.
• Ҳеч нарса дунёдан исзис йўқолиб кетмайди, фақат бир шаклдан бошқа шаклга ўтади.
• Осмондаги ярақлаб турган Ойнинг ҳам она Ерга, инсон ҳаётига алоқаси бордур.
• Агар сен муҳаббатдан мосуво бўлсанг, ўзингдаги эзгулик хислатлари бирин-кетин сени тарк этади.
• «Баҳор тезроқ келақолсайди», деб шошиласан, ахир умринг ўтиб кетётганига ачинмайсанми? Мақсуд ҚОРИЕВ

Ҳикматли сўзлар МАЪНОСИ

мушукка ўйин, сичқонга қийин «Мушукнинг ўйини — сичқоннинг ўлими»; «Мушукка ўйин, сичқонга — ўлим»; «Мушукнинг қаноти бўлса, чумчуқнинг зоти қурди». Баъзи одам бирова озор бериш, азоблаш, қулафатга солиш билан лаззатланади, завқланади. Унинг учун бу бир ўйин, бир роҳат туюлади. Аммо, унинг бу қилигидан азият чеккан одам учун бу «роҳат» қимматга тўшади, ҳатто ҳаёт билан видолашишга олиб боради. Мазкур мақолни шундай дилозор, бераҳм, бешафқат, қонхўр, зотиларга нисбатан киноя тарзида қўлайдилар.

ДИҚҚАТ, АУКЦИОН!

Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги «РОУТАХТ АУКСИОН» давлат унитар корхонаси 2004 йилнинг 13,16,20,23,27,30 апрель ва 4,7,11,14,18,21,25,28 май кунлари кимошди савдоларини ўтказида. Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Танлов савдосига Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани халқ таълими бўлимига қарашли, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Уш кўчасида жойлашган 11-сонли болалар боғчаси 7 682 500 сўм бошлангич нарх билан қўйилади.

- 1. Мактабгача ва бошлангич мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ривожлантиришга йўналтирилган муассасани ташкил этиш.
2. Белгиланган фаолият соҳасини камида 5 йил мобайнида сақлаб қолиш.
3. Боғча биноси ва иншоотларини қисқа муддатларда замонавий меъёр ва андозаларга жавоб берадиган ҳолда қайта қуриш ва таъмирлаш.
4. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини замонавий талаблар асосида жиҳозлаш.
5. Боғча биноси ва иншоотларини қайта таъмирлаш ва жиҳозлашга сарфланадиган сармоляр ҳажми.
6. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъерий ҳужжатларига асосан болалар билан ишлаш таълим-тарбиявий концепциясига эга бўлиш.
7. Мактабгача ёшидаги болаларга кўрсатиладиган хизматлар тури ва ҳажми.
8. Хизмат ҳақлари бўйича таклифлар ва имтиёзлар.
9. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини ённинг хавфсизлиги ва санитария талабларига жавоб берадиган ҳолда сақлаш ҳамда бириктирилган ҳудудда ободонлаштириш ишларини олиб бориш.

«РОУТАХТ АУКСИОН» давлат унитар корхонаси 2004 йилнинг 9 март кунин ўтказиладиган аукцион савдоларида: — Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ш.Бурхонов кўчасида жойлашган, якка тартибдаги уй-жой қуриш учун мўлжалланган, майдони 325,2 кв.м. бўлган ер участкасига эгалик ҳуқуқи 1 025 000 сўмга; — Тошкент шаҳри, Юнусов тумани, Ж.Обидова ва Ғ.Мавлонов кўчалари кесилишида жойлашган, сатҳи 0,03га. бўлган. Савдо ва маийш хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун мўлжалланган ер участкасининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи 5 800 000 сўмга; — Юнусов тумани ҳокимлиги ижроия маҳкамаси қўшидаги «TRANSPORT VOSITALARI BO'YISHA TURLI XIZMAT KO'RSATISH BOSHQARMASI» унитар корхонасининг давлат рақами 10 А/ 377 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси 2 350 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

- Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Azizjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QADIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV
Alimqul SULTONOV
Andrey ORLOV
Nomonov SA'DULLAYEV
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Mabduq'ani MAMASODIQOV

MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO' LIMLAR:

- Siyosat, partiya va xalqaro hayot
Ma'naviyat va ma'rifati
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot
Parlament va huquq
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik
Xatlar va ommaviy ishlar
Reklama va e'lonlar

VILOYAT MUXBIRLARI:

- Andijonda —
Buxoroda —
Gulistonda —
Jizzaxda —
Navoiyda —
Namanganda —
Nukusda —
Samarqandda —
Urganchda —
Farg'onada —
Termizda —

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. Navbatchi: Alisher RO'ZIEV. Gazeta «O'zbekiston ovozi» ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV. «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi. Korxonaning manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taqob. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. G — 464 13418 nusxada bosiladi t — Tижорат материали Topshirish vaqti — 21.00. Topshirildi — 22.50 2 3 4 5 6 SOTUVDA ERKIN NARXDA